

Улар нажот топиб сен ҳалок бўлсанг-а?



09:00 / 05.05.2022 3949

Ибнул Жавзий роҳимаҳуллоҳ айтади:

«Зикр мажлисларида қўлимда икки юз минг киши тавба қилди. Қўлимда икки юз киши исломга кирди. Ваъзларимдан қалби тош инсонларнинг кўзларидан ёш оқди. Бир куни ўтириб атрофимга қарасам ўн минг киши ўтирибди. Уларнинг барини қалби эриган, кўзларида ёш. Ўзимга дедим: «Улар нажот топиб сен ҳалок бўлсанг нима бўлади?!».

Сўнгра ишқ тили билан Роббимга ёлвордим:

«Аллоҳим! Саййидим! Агар эртага менга азоб берсанг буларга билдирма. Мен учун эмас, Ўз олийжаноблигингни сақлаш учун. Улар: «Ўзи томон даъват қилганни азоблабди», дейишмасин!».

Дўстим! Ўзидан ажабланган киши Аллоҳга ҳеч қачон ета олмайди. Солиҳлар Аллоҳга яқинлашгани сари олдин ҳис қилмаган ожизликни, нуқсонни ҳис қилишган. Сабаби, инсон яқинлик таъмини тотса, узоқликдан бир қисм йўқолади. Бу худди олим ва жоҳилнинг аҳволига ўхшайди. Жоҳил ҳамма нарсани биламан деб ўйлайди. Олим эса ҳали кўп нарсани билмаслигини билади.

Инсоннинг жоҳиллигини таълим олишгина фош қилади. Жоҳил эса билмаган нарсаларидан жоҳилдир. Шунинг учун у ўзини замона алломаси деб ўйлайди.

Иймон билан ҳам иш шу. Садақа қиладиган киши ўз нуқсонини ҳис қилади. У ўз садақаси билан кичкина ёриқнигина ёпдим деб ўйлайди. Ўзи учун яшайдиган киши эса «роҳат»да яшайди.

Жоҳиллик гоҳида худди ҳайвон неъматига каби аччиқ неъмат бўлади. Азоб ҳам йўқ, ҳисоб ҳам йўқ. Дунё ҳам йўқ, охират ҳам йўқ.

Нафл рўза тутиб юрган киши одатий рўзасини бир кун тута олмай қолса ўзини ожиз, нуқсонли санайди.

Бу ишлар билан машғул бўлмайдиган киши бу ишлардан маҳрумлик азобини ҳам билмайди. Чунки у аслида бу нарсаларнинг борлиги ҳаловатини ҳам билмайди.

Менга ишон, агар кечаси таҳажжуд намози ўқийдиган кишини намозидан маҳрум қилиб боғлаб қўйганинда уни Роббиси ҳузурда туришга муштоқ бўлиб йиғлаганини кўрар эдинг.

Аксинча, бу лаззатни тажриба қилиб кўрмаган кишининг тўшаги жаннатидир!

Абдулқодир Полвонов